

Диний идора вакиллари Искандария кутубхонасида бўлишди



12:10 / 31.01.2019 3854

Миср давлатида хизмат сафарида бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирлари Муҳаммад Аюбхон домла Ҳомидов ва Камолiddин Маҳкамов Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси вакиллари ҳамроҳлигида 27 январь куни Искандария шаҳридаги “Искандария” кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар бермоқда. Маълум бўлишича, Искандария кутубхонасида 2 млн. 310 мингдан зиёд қўлёзма, тошбосма ва бошқа турдаги асарлар мавжуд. Кутубхонанинг қўлёзмалар маркази мудирини Мидҳат Ийса, қўлёзмаларни таъмирлаш бўлими бошлиғини Воил Муҳаммад Иброҳим ва қадимий асарларга кимёвий ишлов бериш бўлими бошлиғини Ҳусом ад-Дийб билан мулоқотлар ўтказилиб, фойдали маълумотлар олинган. Учрашувларда мисрлик мутахассислар ўзбекистонлик масъул ходимларга

қўлёзма ва тошбосма асарларни сақлаш, кимёвий текширувлар ўтказиш, китобларни таъмирлаш, қўлёзма ва тошбосма асарлардан электрон нусха олиш ҳамда фойдаланиш тартиблари ҳақида батафсил гапириб берганлар. 28 январь куни эса мутахассислар Қоҳира шаҳридаги Миллий кутубхона ва Давлат бош архиви фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ушбу фондда “Усмон Мусҳафи” ҳамда қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланар экан. Кутубхона ходимлари ўзбекистонлик мутахассисларга қўлёзма ва тошбосма асарларнинг сақланиши, кимёвий ишловлар бериш, китобларни таъмирлаш босқичлари ва нодир асарлар учун махсус қоғозлар тайёрлаш тартиблари ҳақида атрафлича маълумотлар берганлар.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

